O'zbekiston Respublikasi
BUXORO VILOYATI
QOROVULBOZOR TUMANI
HOKIMI
Q A R O R I

Ўзбекистон Республикаси
БУХОРО ВИЛОЯТИ
ҚОРОВУЛБОЗОР ТУМАНИ
ҲОКИМИ
Қ А Р О Р И

2019 йил "18" 10 Қоровулбозор тумани № 1254

Қоровулбозор туманида мактаб ёшидаги болаларни умумий ўрта таълимга тўлиқ қамраб олиш юзасидан тумандаги умумтаълим муассасаларининг микроҳудудларини белгилаш тўғрисида

"Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6, 25-моддалари, "Таълим тўғрисида"ги Қонунининг 24-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 мартдаги 140-сонли қарори билан тасдиқланган "Умумий ўрта таълим тўғрисида"ги Низомнинг 39-бандига асосан туманда мактаб ёшидаги болаларни умумий ўрта таълимга қамраб олиш жараёнида умумтаълим муассасаларига бириктирилган ҳудудлар (микрохудуд)ни аниқ белгилаб олиш мақсадида,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Қоровулбозор туманида мактаб ёшидаги болаларни умумий ўрта таълимга тўлиқ қамраб олиш бўйича умумтаълим муассасаларига бириктирилган худудлар (микроҳудуд) рўйхати иловага асосан тасдиқлансин.

2. Туман ҳокимлиги (А.Шукуров), туман ҳалқ таълими бўлими (Ж.Хамроев) тумандаги умумтаълим муассасалари раҳбарлари зиммасига мактаб ёшидаги болаларни умумий ўрта таълимга тўлиқ қамраб олиш, ўқувчиларнинг дарсларга қатнашиш ҳолати юзасидан монитиринг олиб бориш ва унинг натижасида аниқланган муаммоларни бартараф этиш бўйича зарур чоралар кўриш вазифаси топширилсин.

3. Белгилансинки, тумандаги умумтаълим муассасалар раҳбарлари ўзлари раҳбарлик қилаётган муассасага бириктирилган ҳудуддаги мактаб ёшидаги болаларни ўз вактида умумтаълим муассасасига ўқишга жалб қилиш учун масъул хисобланади.

4. "Маҳалла" хайрия жамоат фонди туман бўлинмаси (Ш.Бахромов)га маҳалла фуқаролар йиғини раисларига мактаб ёшидаги болаларни умумтаълим муассасаларига жалб этиш жараёнида туман халқ таълими бўлими ҳамда умумтаълим муассасаларига амалий ёрдам бериш тавсия этилсин.

5. Мазкур қарор “Қоровулбозор тонги” газетасида расмий эълон қилинсин ва ҳокимликнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

6. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

7. Қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари А.Шукуров зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими **А.Остонов**

5

Туман ҳокимининг

2019 йил "18" октябрдаги
1254 - сонли қарорига илова

Тумандаги умумтаълим мактабларини микроҳудудларга бириктирилиш

Р Ў Й Х А Т И

№	Мактаб рақами	Мактаб муассасаси жойлашган худуд	Ҳудудлар номи
1	1 мактаб	"Тинчлик" МФЙ	"Тинчлик" МФЙ ҳудуди
			"Чўлқувар" МФЙ ҳудуди
			"Навбаҳор" МФЙ ҳудудига қарашли "Навбаҳор" массиви"Сардоба" қишлоқ ҳудудлари
2	2 мактаб	"Тинчлик" МФЙ	Қоровулбозор туман (барча рус ва қозоқ миллатига мансуб болаларни қамраб олади)
3	3 мактаб	"Навбаҳор" МФЙ	"Қўриқтепа" қишлоғи
			145-разъезд ҳудуди
4	4 мактаб	"Бўзачи" МФЙ	"Бўзачи" қишлоғи ҳудуди
5	5 мактаб	"Жарқоқ" МФЙ	"Жарқоқ" қишлоғи ҳудуди
6	6 мактаб	"Бўстон" МФЙ	"Ноғоратепа" қишлоғи ҳудуди
7	7 мактаб	"Имом-Бухорий" МФЙ	"Имом-Бухорий" МФЙ ҳудуди
8	8 мактаб	"Имом-Бухорий" МФЙ	Қоровулбозор туман ҳудуди (туман ва тумандан ташқари иқтидорли болаларни синов асосида қамраб олади)

Туман ҳокимлиги аппарати бош мутахассиси **Ш.Ғаниев**